



# Ислom Нури

Абдуллоҳ Камолиддин Юсуф  
таржимаси

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

## МУҚАДДИМА

Ягона Аллоҳга ҳамду санолар, Пай-ғамбаримизга ҳамда узотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар бўлсин!

Муҳтарам ҳожи!

Қўлингиздаги мўжаз рисола Саудия Арабистони Дин ишлари вазирлиги тавси-яси билан уламолар ҳайъати тарафидан ёзилган )□ (□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ номли китобчанинг 2005-йилги 25-қайта нашри-дан таржима қилинган. Бунда сиз ҳаж ва умра ибодатларини адо этишда ўзингиз учун зарур барча йўл-йўриқларни топасиз, деган умиддамиз. Китобчанинг иккинчи қисмида берилаётган сўзлашгич эса, тар-жимон тарафидан тузилган бўлиб, сафар асносида сизга ёрдами тегса, муродимиз ҳосилдир.

Бу ҳаракатларимиз манбаи эса, Ярат-ганинг қуйидаги тавсиясидир:

□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□□ }  
[2:□□□□□□□□□□] {□□□

Таржимаси: «...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!» (Моида: 2).

Эслатма: Бу ва бундан кейинги оят, зикр ва дуолар талаффузини



## Ислом Нури

муҳтарам ўқувчиларимиз бирор устоздан ўрганиб олишларини илтимос қиламиз.

Азиз ҳожи биродар! Умид қиламизки, китобчамиздан фойдаланиб, ҳаж ва умра ибодатларини ихлос билан тўғри адо эта-сиз ва иншааллоҳ, ҳажингиз мақбул бў-лади. Мақбул ҳажнинг мукофоти эса жан-натдир.

### МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

Аллоҳ ўз фазлу карами ила сизни Байтуллоҳ зиёратига муваффақ этгани учун беҳад шукроналар айтиб, қуйидаги тавсияларни тақдим этамиз. Шояд, ибодатларингиз нуқсондан холи бўлса.

1. Унутманг, сиз Ягона Аллоҳнинг буйруқ ва чақириғига “лаббай” деб, Ундан савоб умидида, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига эргашиб, муборак Ҳаж сафарига чиқдингиз.
2. Эҳтиёт бўлинг, шайтони лаин арзимас нарса деб ораларингизни бузма-син, сафарингиз давомида у сизга қаттиқ ёпишади. Хушёр бўлиб, одамлар билан Аллоҳ учун дўстлашиб, ўзаро жанжал, ноўрин бахс ва ғиллу-ғашлардан сақла-нинг. Билингки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг бирор-тангиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагу-нича мўмини комил бўла олмайди», деганлар (Имом Бухорий Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилган).
3. Дин ва Ҳаж амалларингизни тўғри ва камчиликсиз адо этишингиз учун бил-маган нарсангизни сўраб ўрганишдан асло уялманг. Аллоҳ таоло айтади;



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ  
(43)

Таржимаси: «Агар билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўрангизлар» (Наҳл: 43).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Аллоҳ кимга яхши-ликни ирода қилса, уни динда фақиҳ (олим) қилиб қўяди» (Имом Бухорий ривояти).

4. Билингки, Аллоҳ таоло бизларга баъзи амалларни фарз ва баъзи амалларни суннат қилган. Фарз амални барбод қилиб, суннатни қилган кишидан Аллоҳ суннат амални ҳам қабул қилмайди. Баъзи ҳожиларимиз бунга эътиборсизлик билан қараб, ўзлари билмаган холда гуноҳкор бўлиб қоладилар. Масалан, Ҳарам ичида Хажарул асвадни ўпаман деб бир қанча одамларга озор берадилар, дастлабки тавофларни тез қиламан деб қанчалаб ҳожиларни туртадилар, Мақоми Иброҳим ортида намоз ўқийман деб кўплаб ҳожиларнинг қоқилиб, уриниб, қийналишлари-га сабаб бўладилар. Қилмоқчи бўлган бу амаллари суннат, лекин бир мўъминга озор бериш харом. Суннатни бажараман деб харом иш қиламизми? Бунга бепарво бўлмайлик!

5. Ҳарам ичида ҳам, бошқа жойларда ҳам, имкон бўла туриб, эркак киши аёл киши билан ёнма-ён ёки аёл кишининг орқасида намоз ўқиш жоиз эмас. Аёллар эркакларнинг ортида намоз ўқийдилар.

6. Каъбанинг Рукни Ямоний деб аталадиган бурчагидан ўтаётганда унга ўнг қўлини қўйиб, “Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар” дейиш суннат. Лекин нарироқдан ўтаётган ҳожилар унга ишора қилмайди, такбир ҳам айтмайди.



## ҲАЖ ВА УМРА

Азиз биродар!

Ҳаж ибодатини уч турли ният билан бажариш мумкин, ундан ўзингизга муно-сиб келганини танлаб бажаришингиз мум-кин:

- 1) Таматтуъ
- 2) Қирон
- 3) Ифрод

**ТАМАТТУЪ.** Ушбу ният билан ҳаж қилишни истаган киши ҳаж ойларида (шаввол ва зулқаъда ойи ҳамда зулҳижжа ойининг ўн куни) умра нияти билан эҳром кияди ҳамда умра амалларини бажаргач, эҳромдан чиқади. Ўз кийими билан бема-лол юриб, саккизинчи зулҳижжа (Минога чиқиладиган) куни Макка шаҳридан ёки унинг атрофидан ҳаж учун янгидан эҳром кийиб, Ҳаж амалларини бажаради. Бир сўз билан айтганда, бир мавсумда алоҳида умра ва алоҳида ҳаж ибодатини адо этган бўлади.

**ҚИРОН.** Бу ниятда ҳаж қилган киши ҳаж ойларида ҳаж ва умра учун эҳром кийиб, ўша эҳром билан умра ва ҳаж амалларини тамомлаб, қурбон хайити кунидан сўнг эҳромдан чиқади.

**ИФРОД.** Бу ниятда ҳаж қилган киши ҳаж ойларида фақат ҳаж нияти билан эҳром кияди. Қурбон хайити кунига қадар эҳромда қолади.



Мазкур 3 турли ҳаж кўринишларидан энг афзали ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига буюрган ва таъкидлаганлари – Таматтуъ нияти билан ҳаж қилишдир.

### **УМРА ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

1. Мийқот – ҳаж ва умра учун махсус кийим – эҳром боғлаш керак бўлган ўрин бўлиб, ундан ўтиб, эҳромсиз ҳолда юрган ҳожи ва умрачилар гуноҳкор бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Зоту Ирқ.

2. АлЖухфа.

3. ЗулҲулайфа.

4. Қарнул-Маназил.

5. Яламлам.

Йўлингиз ушбу ўринлардан қай бири устидан ўтса, ўша ерга етганингизда, ғусл қилиб, покланиб, имкони бўлса хушбўй-ланиб, ҳамма кийимларингизни ечиб, «эҳ-ром» деб аталмиш, бири елкага, иккин-чиси белга ўраб олинадиган икки бўлак матога ўранасиз.



## Ислом Нури

Эҳромнинг ранги оқ бўлиши афзал. Аёллар эса ўзлари хоҳлаган кийимларини кийишлари мумкин, бироқ кийимлари содда, эътибор тортмайдиган, эркаклар кийимига ўхшамайдиган ва кофирлар кийимига ўхшамайдиган бўли-ши шарт.

Эҳром кийгач, «Лаббайка умротан» деб, умра қилишни ният қиласиз. Сўнг талбия айтасиз:

□□□□ □□□□□□ □□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□  
□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□  
.□□□□ □□□□□□□□

«Лаббайкаллоҳумма, лаббайк! Лаб-байка ла шарийка лака лаббайк! Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла ша-рийка лак!». (Биз Сенинг итоатингдамиз, Парвардигоро, биз Сенинг итоатингдамиз! Сенинг шеригинг йўқ. Биз Сенинг ито-атингдамиз. Ҳамд ҳам, неъмат ҳам, мулк ҳам Сеникидир. Сенинг шеригинг йўқ-дир).

*Эслатма: Бундан буён юқоридаги каби дуо, оят ва зикрлар араб ёзуви билан бирга ўзбек ёзувида ҳам берилади. Ўзбек ёзувидаги харфлар арабча товушларни аниқ ва тўғри ифодалай олмаслиги сабабли азиз ўқувчиларимиздан илтимосимиз шуки, келтириладиган оят, дуо ва зикрларнинг тўғри талаффузини албатта, биладиган биродарларидан ўрганиб олсинлар.*

Талбияни, шунингдек, бошқа дуо, ис-тиғфор ва зикрларни ҳам эркаклар овоз чиқариб, аёллар овоз чиқармай айтадилар.

2. Макка шаҳрига келгач, Масжидул-Ҳаромга кириб, Каъбани тавоф









## Ислом Нури

Мана шу юришингиз “саъй” деб аталади. Бориш бир, келиш икки ҳисобланиб, етти марта бўлгунча саъй қилинади. Йўлдаги икки яшил чироқли белгилар орасида югурила-ди. Қолган масофани мўътадил юриб, Марва тепалигига бориб, Аллоҳга ҳамд айтиб, Сафода қилган дуоларни такрор айтиб, саъйингизни давом эттирасиз.

Тавоф пайтида ҳам, саъй пайтида ҳам зарурий ҳамда махсус дуо ва зикрлар йўқ, ҳар киши ўзи билган дуо ва зикрларни ёки Қуръон ўқиб юриши мумкин, бироқ имкон қадар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган дуо ва зикрларни қилишга эътибор бериш лозим.

Саъйни Марва тепалигида тугатга-нингиздан сўнг, сочингизни (тўла) олдира-сиз ёки (тўла) қисқартирасиз. Аёллар эса сочларини жамлаб учидан бир энлик чама-си кесишлари кифоя.

Шу билан умра ибодатингиз ниҳояси-га етди ва эҳром таъқиқлари тугади.

Агар сиз Таматтуъ ниятида ҳаж қилиб, ҳаждан аввал умра қилаётган бўл-сангиз, сочингизни қисқартирганингиз маъқул, чунки ҳаж қилганингиздан сўнг сочни тўла олдирганингиз афзал.

Агар сиз Таматтуъ ёки Қирон усулида ҳаж қилаётган бўлсангиз, сизга Қурбон ҳайити кунлари қурбонлик сўйиш вожиб бўлади. Агар қурбонлик қилишга қодир бўлмасангиз, уч кун ҳаж кунларида ва етти кун ўз юртингизга қайтганингизда, жами ўн кун рўза тутасиз, шу билан сиздан қурбонлик соқит бўлади. Бундай ҳолатда рўзани арафа кунидан аввал тутга-нингиз афзал, бирор сабаб билан кечи-килган бўлса, ҳайитдан сўнг тутилса ҳам бўлади.



## ҲАЖ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Агар сиз Ифрод ёки Қирон усулида ҳаж қилаётган бўлсангиз, ўзингиз келадиган тарафдаги Мийқотдан эҳром боғлайсиз.

Агар Мийқот ичкарасида бўлсангиз, турган жойингизда ният қилиб эҳром кия-сиз.

Агар сиз Таматтуъ ниятида ҳаж қилаётган бўлсангиз, аввал умра учун Мийқотдан эҳром киясиз. Ҳаж учун Тарвия (8-зулҳижжа) куни, турган жойин-гиздан имкони бўлса ғусл қилиб, ҳушбўй-ланиб, “Лаббайкаллоҳумма ҳажжан” деб ҳаж нияти билан эҳром киясиз ва талбия (Лаббайкаллоҳумма лаббайк) айтиб, йўлга чиқасиз.

2. Сўнг Минога бориб, пешин, аср, шом, хуфтон ва бомдод намозларини қаср (яъни, 4 ракъатликларини 2 ракъат) қилиб, ҳар бирини ўз вақтида ўқийсиз.

3. 9-зулҳижжа куни қуёш чиқиши билан Арафот майдонига оҳиста йўл ола-сиз. Сиз каби Аллоҳ раҳматини тилаб, Арафотга йўл олаётган ҳожиларга озор бермасликка ҳаракат қиласиз. Арафотга етиб борганингизга ишонч ҳосил қилгач, у ерда пешин ва аср намозларини бир азон ва икки такбир билан пешин вақтида, қаср қилиб ва жамлаб ўқийсиз.

Арафотнинг чегарасидан ташқарида туриб қолишдан эҳтиёт бўлинг ва Арафот ҳудудида эканингизни таъкидлаб олинг сўнгра қиблага юзланиб, худди Расулул-лоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганларидек, қўлларингизни дуога очиб, хоҳ-лаганингизча дуо ва зикрлар қиласиз. Ушбу фурсатни ғанимат билиб, имкон қадар кўпроқ дуо ва



## Ислом Нури

илтижолар қилишга ҳаракат қилинг. Арафотда то кун ботгу-нича турасиз.

4. Қуёш ботиши билан, талбия айтган ҳолда виқор ва оҳисталик билан Музда-лифага йўл оласиз. Муздалифада шом ва хуфтон намозларини жам ва қаср қилиб, бир азон, икки такбир билан ўқийсиз. Бомдод намозигача у ерда дам олиб, тонг ёриша бошлаганда бомдод намозини ўқиб олиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганларидек, қиблага юзла-ниб, қўлингизни дуога очиб, Аллоҳдан тилак ва истакларингизни сўрайсиз.

5. Қуёш чиқишидан аввал “лаббайка” айтиб, Мино томон йўл оласиз. Агар сиз аёллар, қариялар, беморлар каби заиф кишилардан бўлсангиз, туннинг иккинчи ярмидан сўнг Минога жўнасангиз ҳам бўлаверади. Муздалифадан 7 дона (нўхат донасидан каттароқ, ўрик данагидан ки-чикроқ) тош териб оласиз. Сиз у тошларни Минода биринчи ҳайит куни Ақаба деб номланувчи жамрага (омилар шайтонга тош отиладиган жой деб атайдиган ўринга) отасиз. Қолган тошларни Минодан терасиз, мана шу еттита тошни ҳам Минодан терсангиз бўлади.

6. Минога келганингиздан сўнг амал-ларни қуйидаги тартибда бажарасиз:

а) Маккага яқинроқ томонда жойлашган Ақаба жамрасига бориб, унга бирин-кетин, ҳар отганингизда “Аллоҳу акбар” деб тош отасиз.

б) Қурбонлигингизни сўясиз (ёки сўйилгани ҳақида сўраб аниқлайсиз). Имкони бўлса, қурбонлигингиз гўш-тидан ўзингиз ҳам ейсиз ва кам-бағалларга тарқатасиз.



## Ислом Нури

в) Сочингизни қирдирасиз ёки қисқартирасиз. Қирдириш афзалдир. Аёллар эса, сочлари учидан бир энли чамаси кесадилар.

Юқоридаги тартиб афзал, лекин бирортасининг ўрни аввал кейинликда алмашиб қолса зарари йўқ.

Жамрада тош отиб, сочингизни қирдириб ёки қисқартирганингиздан сўнг эҳромингизни ечиб, ўз кийимингизни киясиз. Сизга эҳром таъқиқла-ридан фақат аёлларга яқинлик қилиш қолади, холос.

7. Сўнг Маккага бориб “Тавофи Ифо-за” деб аталадиган, Ҳаж ибодатининг (1- ният билан эҳром кийиш, 2- Арафот майдонида арафа куни туришдан кейинги) 3- рукн амалини адо этасиз. Яъни, умрада қилганингиз каби 7 марта тавоф ва 7 марта саъй қиласиз. Энди сизга аёлингиз ҳам ҳалол бўлди.

Агар сиз Қорин ёки Ифрод усулида ҳаж қилаётган ва Тавофи Қудумда саъй қилган бўлсангиз фақат 7 марта Тавофи Ифозани қиласиз холос, саъй қилмайсиз.

Тавофи Ифоза ва саъйни Мино кун-ларидан кейинга қолдирилса ҳам жоиз.

8. Биринчи ҳайит куни Тавофи Ифоза ва саъйдан сўнг Минога қайтасиз. У ерда “Ташрик кунлари” дейилмиш 11, 12, 13- зулҳижжа тунларини тунайсиз. Агар шош-сангиз 12-зулҳижжада қайтсангиз ҳам бўлади.

9. Иккинчи ва учинчи ҳайит кунлари учта жамранинг ҳар бирига заволдан сўнг, яъни пешиндан кейин 7 донадан тош отасиз. Ҳар отганингизда “Аллоҳу акбар” деб, дастлаб Маккадан энг узоқ томонда



## Ислом Нури

жойлашган кичик жамрага, кейин ўрта жамрага, сўнг Ақаба дейиладиган катта жамрага тош отасиз. Биринчи ва иккинчи жамрага тош отганингиздан сўнг қиблага қараб, қўлларингизни кўтариб, истаганингизча дуо қиласиз. Учинчи жамрага тош отиб бўлгач, тўхтамай кетаверасиз.

Агар сиз шошилиб, Минода икки кун тунаганингиздан сўнг кетмоқчи бўлсангиз, учинчи куни қуёш ботишидан аввал Мино водийсидан чиқиб кетишингиз зарур. Агар қуёш ботиб қолса, у куни ҳам қолиб, эртаси куни заволдан сўнг тош отиб, кейин қайтасиз. Минода уч кеча тунаш афзалдир.

Бемор ва заиф кишилар тош отиш учун бошқа одамни вакил қилишлари мумкин. Вакил қилинган одам аввал ўзи-нинг тошларини отиб, сўнг ўша жойда туриб, бошқаларнинг тошларини отади.

10. Ҳаж амалларини бажариб, вата-нингизга қайтиш олдидан Масжидул Ҳа-ромга кириб, Каъбани 7 марта тавоф қиласиз, бу “Тавофул-вадоъ”, яъни, хайр-лашув тавофи дейилади. Узрли аёллардан бошқа ҳар бир ҳожи буни адо этиши лозим.

## ЭҲРОМДАГИ КИШИГА ВОЖИБ БЎЛГАН ИШЛАР

Ҳаж ва умра қилиш ниятида эҳром кийган кишига қуйидагилар вожибдир:

1. Аллоҳ вожиб қилган диний буйруқларни бажариш. Масалан, намозларни ўз вақтида жамоат билан адо этиш.



## Ислом Нури

2. Аллоҳ ман этган фисқу-фужур, ғийбат, сўқиш ва жанжал каби салбий иллатлардан ўзини тийиш.
3. Қўли ёки тили билан бирор му-сулмонга озор беришдан сақланиш.
4. Эҳромда таъқиқланган ишлардан ўзини тийиш. Улар қуйидагилардир:

а) соч, тук ва тирноқларини олиш, агар ўзидан-ўзи тўкилса, зарари йўқ.

б) баданига ва кийимига хушбўй-лик суриш, емак-ичмакларига хушбўйлик аралаштириш.

в) қуруқликдаги ов қилинадиган ҳайвонларни овлаш, шунингдек, бировнинг овига кўмаклашиш.

г) аёллар борасидаги ишларга аралаштириш, масалан: ўз никоҳига олиш ёки бировга никоҳлаш, унаштирилиш, аёлларга шаҳват билан қараш ва ҳо-казолар.

Мазкур ҳолатлар эркак учун ҳам, аёл учун ҳам бирдек таъқиқланган ишлардир.

Эркаклар учун хос таъқиқлар:

а) бош кийим киймайдилар, соябон ёки бирор нарсанинг соясидан



## Ислом Нури

фойдаланишлари мумкин.

б) Баданга мослаб тикилган кийим киймайдилар, эҳромнинг паст-ки (изор) қисми топилмай қолган тақдирдагина, ноиложликдан лозим ёки шалвар кийиш мумкин. Шунинг-дек, оёқ учун тўпиқни ўрамайдиган шиппак (тапочка, туфли) кабилар топилмаган ҳолатда махси (этик) каби тўпиқни ўраб турадиган оёқ кийимлар кийилиши мумкин.

Аёллар эҳромдалиқ вақтларида қўлларига қўлқоп киймайдилар, юзларига ниқоб тутмайдилар. Лекин но-махрам эркаклар олдида юзларига рўмолларини ташлаб тўсадилар.

Агар эҳром кийган киши ўзи билмаган ҳолда ёки унутган ҳолда тикилган нарса кийиб олган бўлса, ёки бош кийим кийиб олган бўлса, ёки эҳтиётсизлик билан бош қашиб сочи-ни тўкаётган бўлса, ёки тирноқларини олаётган бўлса, эсига келиб қолиши биланоқ ёки бирор киши айтиши биланоқ дарҳол бу хатони тўхтатмоғи лозим.

Шиппак, тапочка кийиш, узук, кўзойнак, қулоққа эшитиш асбоби, қўл соат, пул ва хужжатлар солина-диган ҳамён (кармон) ёки сумкача тақиш мумкин.

Эҳромни алмаштириш, уни то-залаш, ювиш, баданни, бошни ювиш дуруст. Ювиниш жараёнида ўз-ўзидан соч тўкилса зарари йўқ. Ювинишда атир совун ишлатилмайди

## **ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ МАСЖИДЛАРИ ЗИЁРАТИ**



## Ислom Нури

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам масжидларини зиёрат қилиш ва у ерда намоз ўқишни ният қилиб йўлга чиқиш суннатдир. Чунки у ерда ўқил-ган намоз бошқа жойда ўқилган на-моздан минг баробар яхшидир. Мас-жидул Ҳаром бундан мустасно.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларини зиёрат қилиш учун эҳром кийилмайди, талбия ай-тилмайди. Ҳаж қилиш билан бу зиёрат ўртасида боғлиқлик йўқ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам масжидларига етиб борганингизда ўнг оёғингиз билан кирасиз, бисмил-лаҳ ва пайғамбарга салавот айтиб, Аллоҳдан ўзингизга раҳмат эшигини очишини тилаб, қуйидаги дуони ўқий-сиз:

○○○○○○○○○○○○ ○○ ○○○○○○○○○○○ ○○○○○○○○○○○○○ ○○○○○○○○○○○ ○○○○○○○ ○○○○○○○  
○○○ ○○○○○○○○○ ○○○○○○○○○○○ ○○○○○○○○○○○○○ ○○○○○○○○○○○○○ ○○○○ ○○○○○○○○○○○  
○○○○○○○○○○○○ ○○○○○○○○○○○

*«Ауузу биллаҳил азийм ва биваж-ҳиҳил карим ва султониҳил қодим минаш шайтонир розийм. Аллоҳум-мафтаҳ лий абваба роҳматик».*

Маъноси: «Улуғ Аллоҳдан, Унинг Карим Юзи ва Қадим салтанати билан тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ тилайман. Эй Аллоҳ! Менга раҳмат эшикларини очгин».

Бошқа масжидларга кирилганда ҳам шу дуони айтиб кириш суннат.

Масжидга кирганингиздан сўнг икки ракъат Таҳийятул-масжид намози ўқинг. Агар Равза ичида бўлса яхши, бўлмаса масжиднинг қаерида бўлса ҳам бўлаверади. Равза деб, Пайғам-баримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг илк масжидларининг ўрнини ай-тилади.





## Ислом Нури

Сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлари рўбарўсига борасиз. Одоб билан ва паст овозда қуйидагиларни айтасиз;

اللّٰهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلٰى اٰلِ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ  
وَعَلٰى رَجُلَيْهِمَا الَّذَيْنِ جَعَلَ اللَّهُ فِيهِمَا خَيْرًا لِّعَالَمِيْنَ  
وَجَعَلَ فِيْهِمَا خَيْرًا لِّعَالَمِيْنَ .

*«Ассаламу алайка айюҳан-набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.  
Алло-ҳумма аатиҳил василата вал фазилата вабъасҳул мақомал  
маҳмуд, аллази ваъадтаҳу. Аллоҳуммажзиҳи ан умма-тиҳи афзолал  
жазаи».*

Маъноси: «Эй Набий! Сизга Аллоҳ-нинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Эй Аллоҳ! У зотга Васида (жаннатдаги энг олий мақом) ва фазилат ато этгин. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда тургизгин. Эй Аллоҳ! У зотни умматлари тарафидан энг афзал мукофотларга эриштиргин».

Сўнг бир оз ўнг тарафга сурилиб, Абу Бакр розияллоҳу анҳу қабрлари рўбарўсига келасиз ва салом бериб, у кишига Аллоҳнинг мағфирати, раҳмати ва розилигини тилайсиз.

Сўнг яна бир оз ўнг тарафга силжиб, Умар розияллоҳу анҳу қабрлари тўғри-сига келиб, салом бериб, у кишига ҳам Аллоҳнинг мағфирати, раҳмати ва розилигини сўрайсиз.

Агар сиз таҳорат қилиб, Қубо мас-жиди зиёратига бориб, у ерда намоз ўқисангиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини



## Ислом Нури

адо этган бўласиз.

Ал-Бақиъ қабристонини зиёрат қилиш ҳам суннат, у ерда ҳазрати Усмоннинг қабрлари ҳам бор. Уҳуд шуҳадолари-ни, жумладан Ҳамза розияллоҳу ан-ҳум қабрини зиёрат қилиш суннатдир, чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларни зиёрат қилар ва ҳақларига дуолар қилар эдилар. У зот соллалло-ҳу алайҳи ва саллам ўз саҳобаларига қабрларни зиёрат қилганда ўқишлари учун қуйидаги дуони ўргатганлар:

اللّٰهُمَّ اِنِّىْ اَسْئَلُكَ بِرَبِّىْ مُحَمَّدٍ وَرَبِّىْ اَبِيْهِ  
وَبِاَنَّكَ اَسْئَلُكَ بِرَبِّىْ مُحَمَّدٍ وَرَبِّىْ اَبِيْهِ  
وَبِاَنَّكَ اَسْئَلُكَ بِرَبِّىْ مُحَمَّدٍ وَرَبِّىْ اَبِيْهِ  
وَبِاَنَّكَ اَسْئَلُكَ بِرَبِّىْ مُحَمَّدٍ وَرَبِّىْ اَبِيْهِ

*«Ассаламу алайкум аҳладдияри минал мўъминина вал муслимин, ва иннаа инша-аллоҳу бикум лааҳиқун насъалуллоҳа лана ва лакум ал аафия».*

Маъноси: «Мўмин ва муслимлардан иборат бўлган эй диёр (қабристон) аҳли, сизларга салом бўлсин! Биз ҳам Аллоҳ хоҳласа, сизларнинг ёнингизга келамиз. Аллоҳдан ўзимизга ҳам, сизларга ҳам офият тилаймиз».

Мадинаи Мунаввара шаҳрида юқори-да зикр қилинган жойлардан бошқа зиёрат қилинса савоб олинадиган ер йўк, шунинг учун муҳтарам ҳожиларимизга тавсиямиз шуки, ҳар намозга минг баробар кўп ажр бериладиган Пайғамбаримиз масжидлари-даги намозларни ғанимат билсинлар.

Аллоҳ ибодатларимизни қабул этсин.



Қўлланма

Ҳаж ва умра қилувчилар учун қўлланма

Ҳаж ва умра қилувчилар учун қўлланма

Ҳаж ва умра қилувчилар учун қўлланма



